



Ислом Нури

насибасини (чиройли-кўп) улуғ қилгин. Киран жойини кенг қилгин. Уни сув, қор ва дўл билан ювгин. Оппоқ либосни кирликдан пок этгганинг каби уни хатолардан поклагин. Унга ўз уйдан яхшироқ бўлган уй, аҳлидан ҳам яхшироқ аҳл ва жуфтидан яхшироқ жуфт ато қилгин. Уни жаннатга киргизгин ва қабр азобидан – ёки дўзах азобидан – асрагин» деб дуо қилдилар, ҳатто шу маййит мен бўлсам эди, деб орзу қилиб қолдим (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Жаноза намози ўқувчи биринчи такбирдан сўнг Фотиҳа сурасини ўқийди, иккинчи такбирдан сўнг худди ташаҳҳудда ўқигани каби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтади, учинчи такбирдан сўнг маййит ҳақида дуо қилади, тўртинчи такбирдан кейин салом беради.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Жаноза намозида Фотиҳа сураси ўқиш машруъ;
2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтгандан кейин маййит ҳақида дуо қилиш машруъ.